**«Т А С Д И Қ Л А Й М А Н»**
**Навоий вилояти СЭО ва ЖСХ бошқармаси рахбари**

**_________________Р.Ў.Хасанов**

Навоий вилоят СЭО ва ЖСХБ ҳамда «Навоий Дори-Дармон» АЖ ўртасида тузилган шартномани
“Бюджет ва бюджетдан ташқари Жамғарма маблағларини тассаруф этиш бўйича махсус назорат комиссиясининг йиғилишини
6-сонли БАЁННОМАСИ

Навоий шахри 07 февраль 2022 йил

Навоий вилоят СЭО ва ЖСХБ ҳамда «Навоий Дори-Дармон» АЖ ўртасида тузилган шартномани тендир танловдан ўтказиш бўйича 06.01.2022 йилдаги № 05-сонли бўйруғи билан ташкил этилган танлов комиссиясининг аъзолари қатнашдилар:

Комиссия раиси: Бошлиқ ўринбосар: Ш.Д.Намозов

Комиссия аъзолари:
Бош хисобчи: А.Х.Махмудов
Бошкарма КУК раиси: Б.И.Равшанов
Санитария гигиена лабороторияи: Б.Т.Дустов
Бактериология лабораторияси мудири: У.Н.Баратова
Вирусология лабораторияси мудири: М.Жумаева
Паразитология лабораторияси:
Н.Эгамбердиева

**К У Н  Т А Р Т И Б И Д А:**

Эркин савдо орқали Навоий вилоят СЭО ва ЖСХ бошқармаси ҳамда «TIBTEXNIKA» МЧЖдан Ковит-2019 га дезинфекцияловчи ва шахсий химоя воситалари ҳамда экспресс тест сотиб олиш. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси санитария эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4790-сон қарорлари ижроси юзасидан.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган рўйхатни 238-рақамида кўрсатилган дезинфекцияловчи ва шахсий химоя воситалари ҳамда экспресс тест сотиб олиш идоравий танлов комиссияси фаолият юритишни ташкил этиш орқали ошкоралик ва шаффофликни таъминлаш чоралари кўриб чиқилди ва товарлар (ишлар, хизматлар)ни амалга ошириш учун Ковит-2019 га дезинфекцияловчи ва шахсий химоя воситалари ҳамда экспресс тест сотиб олиш сотувчи ташкилотлардан таклифлар тушмагач тўғридан тўғри 3 та лецензия гувохномалар асосида иш олиб борувчининг тижорат таклифларидаги нархлари солиштирма (рақобат) варақаси асосида таққослаб кўрилди ҳамда арзон ва сифатли дезинфекцияловчи ва шахсий химоя воситалари ҳамда экспресс тест сотиб олиш сотиб олиш учун етказиб берувчилар билан шартнома тузишга келишилди:

| № | Тиббий буюмлар номаланилиши | Ўл. бир | «Навоий Дори-Дармон» АЖ | | | Ўл. бир | «Мададкор фарм» МЧЖ | | | Ўл. бир | SS «PHARM » МЧЖ | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Сони | Нархи | Суммаси | | Сони | Нархи | Суммаси | | Сони | Нархи | Суммаси |
| 1 | Антисептик для рук спрей 500мл | дона | 300 | 20000 | 6000000 | дона | 300 | 20600 | 6180000 | дона | 300 | 21218 | 6365400 |
| 2 | Маска лицевая | дона | 27600 | 500 | 13800000 | дона | 27600 | 515 | 14214000 | дона | 27600 | 530.45 | 14640420 |
| 3 | Маска мед KN95 с клапаном | дона | 5000 | 4600 | 23000000 | дона | 5000 | 4738 | 23690000 | дона | 5000 | 4880.14 | 24400700 |

| | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 4 | Экспресс тест VivaDiag Pro SARS-Cov-2Ag №5 (для самостоятельного использоваия | уп | 1900 | 65500 | 124450000 | уп | 1900 | 67465 | 128183500 | уп | 1900 | 69488.95 | 132029005 |

Таққослаб кўриш натижасида комиссия аъзолари

**Қ А Р О Р  Қ И Л И Ш Д И :**

Танлов якунлари бўйича Навоий вилоят СЭО ва ЖСХ бошкармаси «Навоий Дори-Дармон» АЖ ўртасида тузилган шартномада дезинфекцияловчи ва шахсий химоя воситалари ҳамда экспресс тест сотиб олиш сотиб олиш мақсадида. СЭО ва ЖСХБ билан ижро ҳужжатларини натижаларини тезкорлик дезинфекцияловчи ва шахсий химоя воситалари ҳамда экспресс тест сотиб олиш сотиб олиши учун «Навоий Дори-Дармон» АЖ билан жами: 167250000.00 сўмга шартнома тузишга киришилсин ҳамда Навоий вилояти Ғазначилиги бошқармасига тақдим қилинсин:

3. Танлов комиссиясининг баённомаси ўқиб берилди ва тўғри тузилди деб тан олинди.

**И М З О Л А Р :**

Комиссия раиси: Бошлиқ ўринбосар: Ш.Д.Намозов

Комиссия аъзолари: Бош ҳисобчи: А.Х.Махмудов

Бошқарма КУК раиси: Б.И.Равшанов

Санитария гигиена лабороторияи: Б.Т.Дустов

Бактериология лабораторияси мудири: У.Н.Баратова

Вирусология лабораторияси мудири М.Э.Жумаева

Паразитология лабораторияси Ж.Н.Эгамбердиева

Товарларни (махсулот) етказиб бериш
62-Б сонли **Ш А Р Т Н О М А С И**

Навоий шахри «07» феврал 2022 йил

**«Навоий Дори-Дармон» акциядорлик жамияти**, кейинги ўринларда **"Сотувчи"** деб юритиладиган, номидан Устав асосида иш кўрувчи, бошқарув раиси Г.Р. **Орзиев.** бир томондан ва Навоий вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси ...

*(Ташкилот, муассаса, корхона, фирманинг ташкилий -хуқуқий тузилиши ва тулиқ номи)*

бундан буён матнда «**Сотиб олувчи**» деб аталувчи, номидан Уставга (низом) асосан фаолият кўрсатувчи

СЭО ва ЖЕ бошлиғи Р.Т. Хасанов иккинчи томондан

*(Раҳбарнинг лавозими ва исми-шарифи, насаби)*

қуйидагилар тўғрисида ушбу шартномани тузишди:

## 1.ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «**Сотувчи**» «**Сотиб олувчи**»нинг буюртмаси асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг "Давлат харидлари тўғрисида"ги Конунини амалга ошириш чора тадбирлари тўғрисида"ги ПК-3953-сонли Карорига асосан Ўзбекистон Республикаси Соғликни сақлаш вазирлиги томонидан Молия вазирлиги билан келишган холда 15.11.2019 й. тасдикланган "Давлат буюртмачилари томонидан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилинадиган дори воситалари ва тиббиётда қўлланиладиган буюмлар» Руйхатига асосан дори воситалари ва тиббиётда қўлланиладиган буюмларни етказиб беришни, «**Сотиб олувчи**» эса уларни қабул қилиб олиш хамда тўловни амалга оширишни ўз зиммаларига оладилар.

1.2. Шартноманинг умумий баҳоси 16 725 000 сўм

*(рақамлар ва сўз билан шартнома баҳоси кўрсатилиши лозим)*

этиб белгиланади, бу суммага транспорт харажатлари кирмайди.

## 2. ТОМОНЛАР МАЖБУРИЯТЛАРИ. МАХСУЛОТ СИФАТИ

2.1. «**Сотиб олувчи**»га Ўзбекистон Республикасида Фармакологик рўйхатдан ўтган, тиббиётда ишлатишга рухсат этилган, сифат, маркировка ва ўрамлари фармацевтик ва техник талабларига жавоб берадиган хамда сифат сертификатига эга бўлган дори воситалари ва тиббиётда қўлланиладиган буюмларни, бундан кейин матнда «Товарлар» деб номланади, етказиб беради.

2.2. Товарлар томонларнинг ўзаро келишуви асосида тузилган Спецификация асосида сотилади, ушбу Спецификация шартноманинг ажралмас қисми хисобланади.

2.3 Товарлар, тарафларнинг оғзаки келишувига кўра «**Сотувчи**» нинг транспортида «**Сотиб олувчи**»нинг манзилига етказиб берилиши ҳам мумкин.

2.4. «**Сотиб олувчи**» «**Сотувчи**» га етказиб берилган Товарлар хақини ўз вақтида тўлайди.

## 3.МАХСУЛОТНИ ЖЎНАТИШ ШАРТЛАРИ

3.1. «**Сотиб олувчи**» шартноманинг умумий бахоси ёки бир ойлик буюртма бахосининг 30 % туловини олдиндан тўлаб берган кундан бошлаб 5 (беш) иш кунида «**Сотиб олувчи**»га Товарларни беради.

3.2. Товарларни етказиб бериш «**Сотувчи**» омборидан «**Сотиб олувчи**»га топшириш йўли билан амалга оширилади. Товарларни топшириш санаси этиб ҳисоб-фактура (накладной)нинг ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ва имзоланган санаси хисобланади.

3.3. «**Сотиб олувчи**» Товарларни ўз транспортида олиб кетади. Товарларни юклаш ва жўнатиш билан боғлик барча харажатлар «**Сотиб олувчи**»нинг зиммасига юклатилади.

3.4. «**Сотиб олувчи**» гиёхванд воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар сотиб олишда уларнинг муомаласи билан боғлиқ фаолият учун олинган тегишли махсус руҳсатномалари (лицензия нусҳаси ва ички ишлар органининг махсус рухсатномаси)ни тақдим этиши шарт. Иш жараёнида, заруриятдан келиб чиққан ҳолда, тарафларнинг оғзаки келишувига кўра мазкур тоифадаги Товарлар «Сотувчи» нинг транспортида «**Сотиб олувчи**»нинг манзилига етказиб берилиши ҳам мумкин.

## 4.ХИСОБ – КИТОБ КИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. «**Сотиб олувчи**» шартноманинг умумий бахоси ёки Товарларни бир ойлик буюртма баҳосидан 30 % олдиндан тўлагандан сўнг «**Сотувчи**» томонидан товарлар берилиши, қолган 70 % суммани «**Сотиб олувчи**» товарлар олган санадан бошлаб, олган ойининг охирги санасига кадар тўлаб бериши шарт.

4.2. Ушбу шартнома асосида тўловлар «**Сотиб олувчи**» томонидан "**Сотувчи**"нинг банкдаги ҳисоб рақамига пул кўчириш орқали амалга оширилади.

## 5. ШАРТНОМА МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

5.1. Мазкур шартномани бажармаганлик ва (ёки) лозим даражада бажармаганлик учун айбдор тараф бошка тарафга етказилган зарарни тўлайди, хамда ЎзР «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий–хукукий базаси тўғрисида»ги Конунининг 25-32 моддалари, ЎзР Фукаролик кодексининг 45 ва 48-моддаларига мувофиқ фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик, ЎзР Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 175, 176-1, 212 –моддаларида назарда тутилган жавобгарлик чоралари қўлланилади.

5.2. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктирилганлиги учун **«Сотувчи»** кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5% микдорида, бироқ етказиб берилмаган товарлар баҳосининг 50 фоизидан ошмаган микдорда, пеня тулайди

5.3. Етказиб берилган товарлар хақини ўз вақтида тўламаган тақдирда **«Сотиб олувчи»** ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4% миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50% дан ошмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.4. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

## 6. ФОРС – МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

6.1. Фавкулотда тусдаги ҳолатлар хамда енгиб бўлмайдиган куч натижаси туфайли тарафларда ушбу шартнома мажбуриятларини бажариш имконияти бўлмаса, улар жавобгарликдан озод этиладилар.

## 7. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

7.1. Ушбу шартнома юзасидан келиб чиқадиган барча низолар тарафларнинг келишуви билан хал қилинади.

7.2. Тарафларнинг келишуви билан ҳал килиб бўлмайдиган низолар Кармана туманлараро иктисодий суд оркали хал қилинади.

7.3. Ушбу шартнома шартлари бажарилмаган такдирда шартнома тарафлар розилиги билан бекор килиниши мумкин.

## 8. УМУМИЙ ХОЛАТЛАР

8.1. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб ғазначилик бошқармасида (бўлинмасида) рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ва 31 декабрь **2022 йилга** кадар амал килади.

8.2. Ушбу шартномага киритилган барча ўзгаришлар ва қўшимчалар ёзма равишда тарафлар томонидан тузилиб, имзоланиб ғазначилик бошқармасида (бўлинмасида) рўйхатдан ўтгандан сўнг юридик кучга эга бўлади.

8.3. Ушбу шартномага оид, лекин шартномага киритилмасдан қолган барча холатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари асосида хал этилади.

8.4. Мазкур шартнома иккала тараф учун бир хил юридик кучга эга бўлиб, икки нусхада давлат тилида тузилган.

## 9. ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

| «СОТУВЧИ» | "СОТИБ ОЛУВЧИ" |
|---|---|
| «Навоий Дори-Дармон» АЖ,210100, | Навоий вил СЭО ва ЖС бошкармаси |
| Навоий шахри,Навоий к-си 65, | Манзили Навоий шахар, Навоий кўч 45 |
| х/р20208000000306028001 | х/р 100022860124001404141065408 |
| ТИФ Миллий Банк Навоий булими, | банк ______ МФО ______ |
| МФО 00196,СТИР 200 000034 | СТИР 200006096 |
| ОКЭД 46460 тел.0(436)224-54-51,224-27-36 | ОКЭД ______ тел 992203015 |
| М.У. ______ | *Газначилик булими* ______ |
| Ижрочи: ______ | *х/р* ______ |
| *юрист* ______ | *банк* ______ |
| | *СТИР* ______ *МФО* ______ |
| | Рахбар Ф.Т. Хасанов |
| | М.У. (имзо Ф.И.О.) |

юрист У. Куролов

Yuridik shaxsni davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

# GUVOHNOMA

**Reestr tartib raqami – 68** **№ 68**
**2014 yil "18" iyun**

Mazkur guvohnoma berilgan shaxs: **"NAVOIY DORI-DARMON"**
aksiyadorlik jamiyati
(davlat tilida to'liq nomi)

(Yuridik shaxs bo'lgan dexqon xo'jaliklari, fermer xo'jaliklari uchun ajratilgan er uchastkasi va uning er maydoni ko'rsatiladi)

| | | |
|---|---|---|
| Tashkiliy huquqiy shakli: | THSH | **1150** |
| Mulkchilik shakli: | MSH | **144** |
| Pochta manzili | MXOBT | **1712401** |
| Yuridik shaxsning kodi: | KTUT | **04899026** |
| Asosiy faoliyat turi kodi: (ro'yxatdan o'tkazish vaqtida) | XXTUT | **71212** |
| Soliq to'lovchining identifikasiya raqami: | STIR | **200000034** |

Qo'shimcha ma`lumotlar: *Mazkur jamiyat Navoiy shahar hokimining 1997 yil 12 iyuldagi K-281/07 son qarori bilan ro'yxatdan o'tkazilgan "NAVOIY DORI-DARMON"OAJning huquqiy vorisi xisoblanadi.*

M.O`
Vakolatli organ rahbari: (imzo)

---

my.gov.uz
Ягона Интерактив
Давлат Хизматлари Портали

Фармацевтика тармоғини
ривожлантириш агентлиги

№ 5148-905e-833d-799a-4086-4200-1914
Ҳужжат яратилинган сана: 2020-03-31
Ариза рақами: 17466820

Ҳужжат берилган: "NAVOIY DORI DARMON" A.
Қабул қилувчининг идентификация рақами: 200000034

Серия: - №: -

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги**
**Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги**

**Фармацевтика фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига УУП5147 - сонли**
**ЛИЦЕНЗИЯ**

Ушбу лицензия "NAVOIY DORI DARMON" акциядорлик жамиятига дори воситалари ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилишни амалга ошириш учун берилди.

**Жойлашган жойи (почта манзили):** Навоий вилояти, Навоий шаҳар, Навоий кўчаси, 65 уй.

| | |
|---|---|
| **Солиқ тўловчининг идентификациялаш рақами (СТИР):** | 200000034 |
| **Лицензия берилган сана:** | 13-03-2020 йил |
| **Амал қилиш муддати:** | 13-03-2025 йил |
| **Лицензиянинг реестр бўйича тартиб рақами:** | 2545-04 |
| **Ваколатли шахс:** | С.Касиев |

ZUFAROVA GULNORA XAYRULLAYEVNA

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAVOIY VILOYATI "NAVOIY DORI-DARMON" AKSIYADORLIK JAMIYATI NAVOIY SHAHAR
NAVOIY DORI DARMON

Мазкур ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали тўғрисидаги низомга мувофиқ шакллантирилган электрон ҳужжатнинг нусхаси ҳисобланади. Электрон ҳужжатнинг нусхасида кўрсатилган маълумотлар тўғрилигини текшириш учун repo.gov.uz веб-сайтига ўтиш ва электрон ҳужжатнинг ноёб рақамини киритиш ёки мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг. Диққат! Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига мувофиқ электрон ҳужжатлардаги маълумотлар ҳаққоний ҳисобланади. Давлат органларига Ягона порталда шакллантирилган электрон ҳужжатларнинг нусхаларини қабул қилишни рад этишлари қатъиян тақиқланади.

5369

## "Мададкор Фарм" МЧЖ

**Тижорат таклифи** 07.02.2022 г.

| № | Наименование медикаментов | Ед.Изм. | Кол-во | Цена отпускная |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Антисептик для рук спрей 500мл | шт. | 1,00 | 20 600,00 |
| 2 | Маска лицевая ("Хужаи Жахон-Фарм" МЧЖ ) | шт. | 1,00 | 515,00 |
| 3 | Маска мед. KN95 с клапаном (ООО "Konteks Tashkent") | шт. | 1,00 | 4 738,00 |
| 4 | Экспресс тест VivaDiag Pro SARS-CoV-2 Ag №5(для самостоятельного использования) | уп | 1,00 | 67 465,00 |

**от Поставщика**

______________________________

**М.П.**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BUXORO VILOYATI G'IJDUVON TUMAN ... MASULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI MADADKOR FARM

NAVOIY VILOYATI
«NAVOIY DORI-DARMON»
AKSIYADORLIK
JAMIYATI

O'zbekiston Respublikasi
Navoiy sh., 210100, Navoiy ko'chasi-65
Tel/Fax: (436) 224-47-00

NAVOIY DORI DARMON

NAVOIY REGIONAL
JOINT-STOCK
COMPANY
«NAVOIY DORI-DARMON»

Republic of Uzbekistan,
65, Navoiy str., Navoiy 210100
Tel/Fax: (436) 224-47-00

Navoiy sh., TIF Milliy banki, h/r 20208000000306028001, MFO 00196, INN 200000034, OKONX 71212

**Тижорат таклифи** 07. 02.2022 г.

| № | Наименование медикаментов | Ед.Изм. | Кол-во | Цена отпускная |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Маска лицевая | шт. | 1,00 | 500,00 |
| 2 | Маска мед. KN95 с клапаном | шт. | 1,00 | 4 600,00 |
| 3 | Экспресс тест VivaDiag Pro SARS-CoV-2 Ag №5(для самостоятельного использования) | уп | 1,00 | 65 500,00 |
| 4 | Антисептик для рук спрей 500мл | уп | 1,00 | 20 000,00 |

от Поставщика

_______________________

М.П.

## "SS PHARM" МЧЖ

**Тижорат таклифи** 07.02.2022 г.

| № | Наименование медикаментов | Ед.Изм. | Кол-во | Цена отпускная |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Антисептик для рук спрей 500мл | шт. | 1,00 | 21 218,00 |
| 2 | Маска лицевая ("Хужаи Жахон-Фарм" МЧЖ ) | шт. | 1,00 | 530,45 |
| 3 | Маска мед. KN95 с клапаном (ООО "Konteks Tashkent") | шт. | 1,00 | 4 880,14 |
| 4 | Экспресс тест VivaDiag Pro SARS-CoV-2 Ag №5(для самостоятельного использования) | уп | 1,00 | 69 488,95 |

**от Поставщика**

SS PHARM
NAVOIY VILOYATI NAVOIY SHAHAR MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYAT O'ZB. RES.

______________________________

**М.П.**